

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА МЕҲРИНОЗА АЙБЕКОВНА

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ГАЗЛАМА ДИЗАЙНЕРЛИГИ
ТЕРМИНЛАРИНИНГ СЕМАНТИК-ГРАММАТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

УЎК: 811.512.133'373.46:67:391(575.1)(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

Алиева Мехриноза Айбековна

Ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминларининг семантик-
грамматик тадқиқи

Алиева Мехриноза Айбековна

Семантико-грамматическое исследование дизайнерских терминов
узбекских национальных тканей.....

Alieva Mehrinoz Aybekovna

Semantic and grammatical study of design terms of Uzbek national fabrics
.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА МЕҲРИНОЗА АЙБЕКОВНА

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ГАЗЛАМА ДИЗАЙНЕРЛИГИ
ТЕРМИНЛАРИНИНГ СЕМАНТИК-ГРАММАТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайти (www.fdu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сайфуллаева Рано Рауфовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Одилов Ёркинжон Рахмоналиевич
филология фанлари доктори

Мадрахимов Илҳом Собирович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол.ф.н., доцент

А.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида терминологик майдонда лингвистикага оид бўлган барча терминларнинг функционал-семантик жиҳатдан бирлашуви кузатилади. Шу жиҳатдан, тилшуносликда тилни систем-структур нуқтаи назардан тадқиқ этиш, лисоний бирликлар ўртасидаги турли мазмуний муносабатлар асосида уларни семантик асосда тавсифлаш кун тартибига қўйилди. Тил бирликларининг миллий-маданий хусусиятларини очиб бериш, миллий газлама дизайнерлик терминларининг шаклий-мазмуний тузилишидаги ўзига хосликларни аниқлаш соҳанинг асосий масалаларидан биридир.

Дунё тилшунослигида терминларни структур-морфологик, структур-синтактик ва деревацион-семантик жиҳатдан ўрганиш терминология соҳасининг асосий йўналишидир. Фалсафа заминида бошқа фанларнинг ривожланиши, касб-ҳунар соҳаларининг тараққий этиши сўзларни махсуслаштириш, хослашиш жараёнини кенгайтирган ва натижада ҳар бир фан ҳамда касб-ҳунар соҳаси учун атамалар юзага келган. Терминологик майдон илмий терминологиянинг умумий системасида алоҳида ўрин тутди. Дизайнерлик терминларини умумийлик ва хусусийлик мезони асосида муайян бир фан соҳаси ёки касб-ҳунарга оид бўлган ягона термин майдони асосида ўрганиш соҳадаги муаммолар ечимида аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослигида ҳам тилнинг туркона табиатини очиб бериш, уни илмий асосда пухта ўрганишга қаратилган тадқиқотлар муҳим муаммолар сифатида кун тартибига қўйилмоқдаки, бу миллий тилнинг ўзига хослигини яққол кўрсатишга хизмат қилувчи миллий газлама дизайнерлиги терминларини лингвистик жиҳатдан чуқур таҳлил этиш заруратини келтириб чиқаради. Бу эса тилнинг луғат бойлиги, унда халқ тарихига оид қимматбаҳо маълумотлар, халқнинг ҳаёти ва маданияти, моддий ва маънавий бойликларини ўрганишда янгича баҳолашга, янгича усуллар билан ҳал қилишга кенг йўл очади. Терминология соҳасининг номукамал, оддий тавсифий ва тасвирий жиҳатлардан ўрганишни тўлдириш зарурати сезилмоқда. Зеро, «бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади»¹. Шундан келиб чиққан ҳолда, терминологик майдоннинг ўзига хос хусусиятлари, терминларининг семантикаси ва улар орасидаги муносабат турларини ўрганиш, социал, грамматик хусусиятларини аниқлаш ва шу хулосалар асосида миллий газлама дизайнерлиги терминларининг ўзбек-рус-инглиз тилларидаги мультимедиа электрон луғатини яратиш ҳам ана шундай долзарб вазифалар сирасига киради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 52.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони; 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон Фармони; 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантирилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМҚ-304-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида терминологик майдон тушунчаси тилшуносликда “семантик майдон” назарияси таъсирида кириб келган. “Майдон” назариясининг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 20-30-йилларига тўғри келиб, у В.Гумбольдтнинг “тилнинг ички шакли” хусусидаги таълимотини қайта – янги йўналишда кўриб чиқилиши билан боғланади. Бу таълимотни Л.Вайсгербер ва И.Трир тушунчавий моҳияти жиҳатидан, Г.Ипсен ва В.Порциг сўзларнинг мазмуний гуруҳи ҳамда системаси томонидан, Ф.Дорнзайф ва Вартбург эса тилнинг луғат таркибига хос предметлик ва тушунчалар гуруҳи нуқтаи назаридан ривожлантирдилар.¹

Ўзбек тилшунослигида лексикология соҳаси юзасидан қатор илмий тадқиқотлар юзага келди². Жумладан, Ш.Раҳматуллаев (семема ва фразема),

¹ Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. –Т.:Фан, 2007.–Б.49

² Решетов В.В. Лексический состав современной узбекской прессы. – В кн.: Проблемы языка. I. –Ташкент, 1934; Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит. – Изв. Узб. Филиала АН СССР, № 2, 1940; Боровский А.К. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 гг. – Ташкент, 1940; Абдуллаев Ф. К некоторым вопросам лексики узбекского языка // Труды ИЯЛ АН УзССР, I. – Ташкент, 1949; Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. II-III. – Тошкент: Фан, 1959; Ҳамдамов Ж. Из истории русского языка в обогащение лексики узбекского языке (вторая половина XIX века): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1963; Дадаханова Т. Лексика вышивального искусства в узбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1963; Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. – Тошкент, 1974; Дадабоев Х. Военная лексика в староузбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981; Гулямова Н. Русские лексические заимствования в узбекском языке. – Ташкент: Фан, 1985; Турсунпулатов М. Лексика узбекской разговорной речи. – Ташкент: Фан, 1986; Бегматов Э. Собственный пласт лексики современного литературного языка: Дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 1988; шу муаллиф. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент, 1989; Икрамова Н. Узбекская кулинарная лексика. – Ташкент, 1989; Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои. Лексико-семантические, статические и тематическая исследования: Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989; Кодирова Н. Семантико-стилистический анализ заимствований в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001 гг. (на материале газет и устной речи): Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 2001; Абдиев М. Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари. – Тошкент: А. Қодирий

Э.Бегматов (лексик қатламлар), И.Қўчқортоев (сўз маъноси ва валентлиги), Н.Маҳмудов (семантик-синтактик асимметрия)¹, А.Нурмонов (тил сатҳларини системавий тадқиқ этиш)², Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар (систем лексикология асослари)нинг илмий тадқиқот ишлари ўзбек тили лексикологиясини янги сифат босқичига олиб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ўринда профессорлар Э.Бегматов, О.Бозоров, Т.Мирзақулов, Ш.Искандарова, Р.Сафарова, шунингдек, А.Собиров, С.Муҳаммедова, Б.Қиличев, Ф.Сафаров каби олимларнинг ҳам илмий кузатишлари ва шу асосда олинган илмий хулосалар ўзбек тили лексикасини майдон назарияси асосида ўрганишда муҳим аҳамиятга эга³. Профессional лексикологияни ўрганишда проф. С.Иброҳимов ишларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бироқ шу кунга қадар ўзбек тилшунослигида терминологик майдоннинг қисми бўлган миллий газлама терминлари семантик-грамматик жиҳатдан монографик планда махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзлуксиз таълим тизимида ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий газлама дизайнерлиги терминологияси тараққиёти, терминларнинг маъно тузилиши, уларнинг семантик-грамматик табиатини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Лингвистик термин майдонининг ўзига хос структур-морфологик, трансформацион, семантик хусусиятларини ёритиш ҳамда майдонда валентлик муаммосини очиб бериш;

термин, тушунча ва сўз дифференциал хоссаларини ва улар ўртасидаги ўзаро умумийлик ва узвий боғлиқликни аниқлаш;

газлама дизайнерлиги терминларининг социал хусусиятларини ўрганиш;

миллий газлама дизайнерлиги терминларининг семантикаси ва терминлараро муносабат турларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳозирги ўзбек адабий тилидаги миллий газлама дизайнерлиги терминлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини лингвистик термин майдонининг ўзига хос хусусиятлари, ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминларининг семантикаси ва улар орасидаги муносабат турларини ўрганиш, социал, грамматик хусусиятларини тадқиқ этишни ташкил этади.

номидаги халқ мероси нашриёти, 2004; Ўринова О. Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик-семантик тадқиқи: Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2007.

¹ Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. –Т.:Фан,1984

² Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий морфологияси. . –Т.:Янги аср, 2001. –Б.2 –39.

³ Бегматов Э., Неъматов Ҳ.,Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. № 6.. –Б.35-40.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, дифференциал-семантик ва компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

терминологик майдонда соҳа терминларининг ўзига хос системавийлик, дифференциялилик, моносемикликка интилиш тенденцияси, услубий бетарафлиги каби хусусиятлари исботланган;

ўзбек тили газлама дизайнерлик терминларининг тарихий-генетик шаклланган структур-морфологик ҳамда структур-синтактик, шунингдек, деревацион-семантик жиҳатларининг миллий ўзига хослиги асосланган;

терминологик майдоннинг трансформацион белгилари, уларнинг сўз асосига ҳамда грамматик кўрсаткичларга асосланган валентлик хусусиятлари ёритилган;

газлама дизайнерлиги терминларининг касбий, табақавий, жинсий, ёшга хосланган ижтимоий хусусиятлари, терминологик майдонда окказионал терминлар мавжудлиги исботланган;

газлама дизайнерлиги терминлариаро тизмий муносабатларини таъминловчи ўхшашлик, жинс-тур, бутун-бўлак муносабатлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар билан белгиланади:

газлама дизайнерлиги терминларини структур тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар терминология соҳаси учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, тилшунослик назарияси, лексикология, лексикография каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

терминологик майдоннинг «системавийлик; дифференциянинг мавжудлиги», «моносемикликка интилиш тенденцияси», «экспрессиянинг йўқлиги», «услубий бетарафлиги» белгилари аниқланган;

диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар миллий газлама номлари луғатини тайёрлашда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг илмий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, тилшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари тилни система сифатида ўрганиш, лексикология, лексикография, семантика, семасиология соҳаларининг назарий масалалари, хусусан, терминологик майдоннинг номинатив ва структур-семантик тузилиш критериясини белгилаш, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдиради ва кенгайтиради. Тадқиқот

терминология, тилшунослик йўналишларида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларидаги тилга система сифатида ёндашиш, терминологик майдонга доир қарашлардан олий ўқув юртининг филология факультетларида тилшунослик назарияси, ҳозирги ўзбек тили каби фанларни ўқитишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, дарслик ва қўлланмалар, тезаурус луғатлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминларини семантик-грамматик тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

коммуникация жараёнида миллий характернинг намоён бўлиши, унда миллий урф-одатлар, миллий газламалар ҳамда уларнинг номланишини семантик томондан ўрганишда “А-1-126 Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари” давлат илмий – тадқиқот дастурлари доирасида фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24-майдаги 89-03-2016-сонли маълумотномаси).

Натижада миллий газлама номларининг изоҳлари бойиган, мукаммаллашган; дунё тилшунослигида тил бирликларининг миллий-маданий хусусиятларини очиб бериш, уларнинг шаклий-мазмуний тузилишидаги ўзига хосликларни аниқлаш, хусусан, миллий терминларнинг структур-морфологик, деревацион-семантик жиҳатдан ўрганишда “ИТД-1-5 7.Ўзбек тилининг татбиқий йўналишларини амалга оширишнинг дастурини ишлаб чиқиш” давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги лойиҳада фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24-майдаги 89-03-2016-сонли маълумотномаси). Натижада газлама дизайнерлиги терминларининг социал хусусиятлари ўрганилган;

миллий газлама дизайнерлиги терминларининг семантик-грамматик тадқиқи натижаларидан Андижон вилоят телерадиокомпанияси томонидан эфирга узатилаётган “Қадрият”, “Нафосат”, “Нигоҳ”, “Олтин халқ”, “Ёшлар вақти” кўрсатувларида миллий газламалар тарихига оид фикрлардан; “Маънавият сарчашмаси”, “Мафтункор диёр”, “Шукрона” эшиттиришлари сценарийларини яратишда фойдаланилган. (Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 24 майдаги 20-24/269-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур манбалар кўрсатув ва эшиттиришларининг маърифий ва амалий жиҳатдан бойишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та, жумладан, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та (6 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 136 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Терминологик майдон: ташкил этувчилари ва хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида терминологик майдон, унда терминларнинг структур-морфологик, трансформацион, семантик хусусиятлари, терминологик майдонда валентлик масаласи ҳамда дизайнерлик терминларининг социал хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Терминологик майдонда тилшуносликка оид бўлган барча терминлар функционал-семантик жиҳатдан бирлашади. Терминологик майдон умумийлик ва хусусийлик критерийсига кўра умумий терминологик майдони (муайян бир фан соҳасига ёки касб-хунарга оид бўлган, умумлашган терминлар) ва хусусий терминологик майдони (муайян касб-хунарга доирасидагина қўлланиладиган, умумлашмаган, миллий терминлар) турларига бўлинади. Умумий терминларга халқаро термин даражасига кўтарилган терминлар киради, Масалан, *атом, вольт, морфема, дизайн, гольф, клеш, хипстери, лайкра* каби. Хусусий термин майдонга фақат бир касб-хунарга доирасидагина қўлланиладиган миллий терминлар киради, термин майдондан ташқарида оддий сўз сифатида фаолият кўрсатади. Масалан, *ранда, арра, хонатлас, арқов, андоза, алача, беқасам* каби.

Терминологик майдонларнинг абстрактлик/конкретлилик тамойилидан бошқа яна термин майдон компонентларининг структур-семантик, структур-морфологик критерийлари ҳам мавжуд. Бу критерийларга асосланиб, биз термин майдон компонентларини тузилишига кўра содда туб, содда ясама, қўшма ва сўз бирикмали турларига ажратамиз. Бу компонентлар кўпроқ от ва сифат туркумига хос бўлиши кузатилади.

Муайян тушунчани ифодалаган сўз махсуслаштирилгандан кейин истилоҳ¹, сўнгра атама, ундан кейин термин даражасига кўтарилди. Фанларнинг отаси бўлмиш фалсафа фани шаклланиши натижасида унга оид махсуслаштирилган сўзлар истилоҳ номи билан аталган, истилоҳот эса терминологияни билдириб келган. Фалсафа заминида бошқа фанларнинг ривожланиши, касб-хунарга соҳаларининг тараққий этиши сўзларни

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. –М.:Рус тили, 1981. –Б.338.

махсулаштириш, хослашиш жараёнини кенгайтирган ва натижада ҳар бир фан ҳамда касб-хунар соҳаси учун алоҳида атамалар юзага келган. Ушбу атамалар бир тил ичида фаолият кўрсатган. Уларнинг оммалашиши, умумлашиши, кўпчилик халқларга тушунарли бўлиши жараёнида термин юзага келган. Буни қуйидагича кўрсатишимиз мумкин:

Сўз → истолоҳ → атама → термин.

Демак, сўзларнинг термин даражасига кўтарилиши учун ҳам маълум давр керак бўлади.

Дизайнерлик термин майдон компонентлари содда туб бўлган терминларнинг А(асос) қисми, асосан, ўзбек, араб, форс-тожик ва бошқа тиллардан кирган терминлар эканлиги аниқланди. Жумладан, ўзбекча: *алак, ип, алача*; форс-тожикча: *абришим, авра, адрас, айбаки, калава, касана, кимхоб*; арабча: *алвон, атлас, аломат, зийнат, акбар*; бошқа тиллардан: *бобрик* (русча, туки узун мовут), *вольта* (русча, юпка ип газлама), *газ* (русча-французча, юпка, шаффоф ипак газлама).

Терминологик майдон компонентлари дериватив хусусиятга ҳам эга. Ўзбек тилида бундай терминлар уч турга бўлинади:

1) А(ўзб)+Аф (ўзб), яъни асос ҳам, қўшимча ҳам ўзбек тилига хос бўлган терминлар. Масалан, *ола+ча, бўз+чи, чок+чи* каби;

2) А(ўзб)+Аф (ўзга), яъни асоси ўзбекча, аффикси эса ўзлашма ёки аксинча бўлган терминлар. Масалан, *пайванд+чи, бўёқ+дор, чит+фуруш, чит+гар*, каби;

3) А(ўзга)+Аф (ўзга), яъни асос ҳам, аффикс ҳам ўзга тилдан олинган терминлар. Масалан, *гула+бардор(ф-т), гул+чин (ф-т), зар+боф (ф-т), зар+дўз, адрас+боф* каби.

Ўзбек тили газлама дизайнерлиги терминларини ясовчи аффикслар ўрганилганда қуйидаги фаол аффикслар аниқланди: *-чи*, (адрасчи, бўёкчи, кудунгчи); *-фуруш* (читфуруш, адрасфуруш, бўёкфуруш); *-иш* (ивитиш, йигириш, қуришиш); *-лик* (астарлик, кўрпалик); *-ли* (андазали, ипакли, пахтали, зарли); *-сиз* (ишловсиз, андазасиз, бўёқсиз) каби. Ўзбек тили газлама дизайнерлигида форс-тожик тилидан кирган префикслар ҳам ишлатилади: *бе-* (беандаза, беўлчов), *сер-* (сернақш, серкашта), *пеш-* (пешбанд, пешгир) каби.

Дизайнерлик термин майдон компонентларининг қўшма терминларининг модели (А(асос)+А(асос)) бўлади. Терминологик майдонда қўшма терминлар ҳам салмоқли ўрин тутди. Ўзбек тилида бу ҳолатда фақат бир тилга хос ўзаклардан ҳосил бўлган ва турли тилларга хос бўлган ўзаклардан тузилган терминларни кўришимиз мумкин: *хомсурп(ф-т), хафтранг(ф-т), газчўп (ф-т), гулкўрна(ф-т), гулқоғоз (ф-т), зардевор (ф-т)* каби.

Миллий газлама номлари дизайнерлиги терминларининг синтактик структураси модели (L_(лексема) +L_(лексема)) бўлади. Терминлар синтактик структурасига кўра “от+от” (N+N), “сифат+от”(Adj+N) таркибли бўлади.

Ўзбек тилида қўшма терминлар қуйидагича морфологик структурага эга: *сифат+от, от+от, сон+от*. Масалан, *хомсурп* (сифат+от); *зардевор* (от+от), *сақкизтепки, тўрттепки* (сон+от).

Мисоллар таҳлилига кўра, ўзбек тилида от+от структурасига эга композитлар кўпчиликни ташкил этишини кўрсатади. Жумладан, *гулқоғоз*, *зардевор*.

Термин майдоннинг бир қисмини бирикмали (L+L) терминлар ташкил қилади. Жумладан, *Марғилон моҳтоби*, *Фарғона машғали*, *Самарқанд оқшоми* атласи каби.


Э.Г.Петросянц “Лингвистик термин майдон: структура, семантика, деривация” мавзусидаги докторлик диссертациясида ҳам субстантив сўз бирикмаларини препозитив, постпозитив ва препозитив-постпозитив аниқловчили бирикмаларга ажратиб таҳлил қилган.¹ Биз ҳам шу таснифга асосландик.

Субстантив сўз бирикмалари структурасига кўра уч гуруҳга бўлинади:

1. Препозитив аниқловчили бирикмалар. Бунда ҳоким сўз препозитив аниқловчи билан келган бўлади: *сарик атлас*, *майда тароқ*, *қизил атлас*, *зарли атлас* каби.
2. Постпозитив аниқловчили бирикмалар. Бу ҳоким сўз постпозитив аниқловчи билан келган бўлади. **AdjN** (directional, fabrik), **PIN** (breaking strength, melting point), **(AdjAdj)N** (different linen fabrik), **(NN)Npl** (hollow filament fibers), **PINN** (limiting oxygen index), **NN** (abrasion resistance, basket weave), **(AdjN)N** (blask top wool), **AdjNpl** (broad goods).
3. Препозитив-постпозитив аниқловчили бирикмалар. Бундай субстантив сўз бирикмалари ўз составига препозитив ва постпозитив аниқловчилар комбинациясини киритади. **PIIN** (bio based product, impregnated fabric), **NprenN** (drape of cloth).

Юқоридаги мисоллардан кўринадик, ўзбек тилида препозитив аниқловчили бирикмалар кўпроқ ишлатилади. Қолган икки тури эса ўзбек тилида мавжуд эмас.

Хулоса қилиб айтганда, структур-морфологик жиҳатдан терминологик майдоннинг асосий, доминант шакли содда терминлар бўлиб, улар майдон марказидан периферия томон оддийдан мураккабга қараб жойлашади. Чегара қисмида жойлашган бирикмали терминлар майдон марказидаги содда терминлардан кўп хусусиятлилиги билан фарқланади. Буни қуйидаги чизма орқали кўрсатиш мумкин:



¹ Петросянц Э.Г. Лингвистическое терминополье: структура, семантика, деривация: На материале английского языка. Автореф. докт. дисс. –Пятигорск, 2004. –С.16

Диссертацияда терминологик майдоннинг трансформацион хусусиятлари ҳам ўрганилган. Трансформацион метод асосчилари трансформация деганда, фақат синтактик сатҳнинг асосий бирлиги бўлган гапнинг турли хил шаклий ўзгаришларини тушунди. Трансформация коидалари ҳам ана шу синтактик сатҳ birlikлари асосида белгиланди. Аммо тилнинг динамик аспектида трансформация, деривация, транспозиция сингари жараёнлар ҳукм суради. Бу жараёнларнинг барчаси тилнинг фонологик сатҳдан бошқа ҳамма сатҳлари учун хосдир. Демак, трансформация ҳодисаси изоморфлик хусусиятига эга. Шунга кўра термин майдонда лексик трансформация ўрганилади. Масалан, *адрасбоф* ва *адрасчи* (адрас устаси) терминлари шакл жиҳатдан фарқланса-да, бир маънони билдиради, яъни “адрас тўқувчи уста” маъносини англатади. Кўринадики, булар дублет терминларни ҳосил қилади. Бундай трансформаларнинг юзага келишида ўзга тилдан олинма терминларнинг ўз ўрни бор. *Адрасбоф* форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, ўзбек тилидаги *адрас тўқувчи* деган маънога тўғри келади. Бу трансформацияда форс-тожик тилидан олинган ясама сўздаги дериват (-боф) ўзбек тилидаги дериватга (-чи) алмашяпти, ўзбек тилидаги -чи деривати шу вазиятда трансформация оператори вазифасини ҳам бажаряпти. Яъни:

Адрас - (-боф) + -чи (трансформа оператори) = адрасчи (трансформа)

Термин майдоннинг асосий семантик хусусиятлари жинс-тур муносабати орқали намоён бўлади ва бу муносабат термин майдонларнинг асосини ташкил қилади. Чунки жинс-тур муносабати ўзига хос семантик структурага эга эканлиги, бу структура билан реал борлиқ ўртасида симметрик алоқаларнинг мавжудлиги, ҳоким ва тобе элементлар қилипида қатъий парадигмани ҳосил қилиши каби хусусиятлари билан гипонимия ҳодисаси алоҳида ажралиб туради.

Ушбу бобда термин майдонда валентлик масаласи ҳам ўрганилган. Профессор А.Нурмонов таъкидлаганидек, ҳозирги тилшуносликда валентлик сўз ва тилнинг ҳар қандай сатҳ birlikларининг бошқаси билан бирикиш хусусияти деб тушуниш кенг тарқалган. Демак, валентлик изоморфлик хусусиятига эга бўлиб, уни фақат синтактик сатҳда эмас, ҳар қандай сатҳда ўрганиш мумкин.

Термин майдонда валентлик хусусиятини бир ўзакдан ҳосил бўлган ўзакдош сўзларнинг сонига, лексемаларни жуфтлаш орқали уларнинг маъносини умумийлаштириш имкониятларига, бир хил грамматик кўрсаткичларнинг валентликларига ва атрибутив бирикмалардаги сифатларни қўшиб олиш имкониятига қараб белгиланади. Жумладан: Зар термини (ф-т, зардўзликда ишлатиладиган, олтин ёки кумуш билан қопланган ипак ёки сим).

- Зарбоф (зардан ёки зар қўшиб тўқилган мато, кимхоб).
- Зардевор (ип ёки ипак газламага ҳар хил гуллар тикиб уйнинг деворларига,

шифтга тақаб гир айлана осиладиган безак буюм).

- Зардўз (зардан гул тикувчи чевар).
- Зардўзи (зар билан тикилган).
- Зардўзлик (зардўз, касб оти).

Ушбу мисолда асос *зарга* турли дераватларни қўшиш орқали унинг валентликлари ҳосил қилинган. Юқоридан кўриниб турибдики, *зар* асоси орқали нарса номлари (ип, сим, мато, безак буюм), касб оти (зардўзлик), шу касб билан шуғулланувчи шахс номи (зардўз), белгини билдирувчи (зардўзи) терминлар ҳосил қилинган.

Миллий газлама номларининг ичида энг кўп валентликка эга бўлган термин *атлас*дир. Масалан, атлас терминининг бирикиши мумкин бўлган компонентлар: *сарик, қизил, қора, кремль, хонатлас, шахмат* ва ҳ.з. Кўринадики, атлас лексемаси сифат билан ҳам, от лексемалар билан ҳам боғланаверади.

Биринчи бобда дизайнерлик терминларининг социал хусусиятлари ҳам таҳлил қилинган. Муайян социал гуруҳ вакиллари нуткида зарурийлик, мутаносиблик, муқобиллик тушунчалари жамланади, нутқий акт жараёнида жамиятнинг миллий-тарихий хусусиятлари намоён бўлади. Худди шунингдек, миллий матоларда ҳам муайян социал гуруҳга хос хусусиятлар акс этади.

Миллий газламаларнинг социологик хусусиятларини қуйидагича белгилашимиз мумкин:

- Табақавий ва касбий ҳосланиш.
- Ёшга доир ҳосланиш.
- Жинсий ҳосланиш.
- Худудий ҳосланиш.

« **Ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминлари семантикаси**» деб номланган иккинчи бобда ўзбек миллий газлама дизайнерлиги тарихидан, дизайнерлик терминларининг семантик майдони, дизайнерлик атамаларининг мавзувий гуруҳлари, миллий газлама номларининг лексик-семантик гуруҳлари масалалари ёритилган.

Ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминларининг шаклланиш тарихини ўрганишда қадимги ёзма ёдгорликлар, қадимий луғатлар, турли даврларда яратилган тарихий ва бадий асарларда учрайдиган лингвистик фактлар асосий манба сифатида хизмат қилади. Бу жиҳатдан Ўрхун-Энасой ёдномалари, М.Кошғарийнинг “Девону луғатит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарлари, XIII-XIV асрларга оид “Аттухфатуз закияту филлуғатит туркия” (Туркий тиллар ҳақида ноёб туҳфа – муаллифи номаълум) каби асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Жумладан, “Қадимги туркий луғат”да газлама номларига оид айрим сўзларни учратамиз. Жумладан, “Аб”¹ нақшли газлама ёки “Бутар”² “Бурди” номи билан аталувчи газламанинг арқови учун тайёрланган ип деб изоҳланган.

¹ Древнетюркский словарь. – Ленинград:Наука,1969. – Стр:14

² Ўша асар. –Стр.129

Демак, энг қадимги туркий луғатларда ҳам газлама дизайнерлигига оид терминлар мавжуд бўлган, бу эса тўқимачиликнинг қадимги ҳунармандчилик турларидан бири бўлганини кўрсатади. Бу асарларни ўрганиш қуйидагиларни қайд этиш имконини беради:

1. Газлама дизайнерлиги терминларининг шаклланиши қадим тарихга эга.
2. Газлама дизайнерлиги терминларининг ривожланишида ҳам ички, ҳам ташқи факторларнинг таъсири бўлган.
3. Газлама дизайнерлигида ўзбек халқининг миллий анъаналари, миллий характери акс этади.

XX асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб, ўзбек тилшунослигида ҳам система ва майдон талқини билан боғлиқ равишда кўпгина илмий-назарий қарашлар пайдо бўлди. Ўзбек тилшунослигида лексикани семантик майдон асосида ўрганиш тилимизга систем-структур методларнинг кириб келишига бориб тақалади. Ўзбек тилшунослигида профессорлар Э.Бегматов, О.Бозоров, Т.Мирзақулов, Ш.Искандарова, Р.Сафарова, шунингдек, А.Собиров, С.Муҳаммедова, Б.Қиличев, Ф.Сафаров каби олимларнинг илмий кузатишлари ва шу асосда олинган илмий хулосалар ўзбек тили лексикасини майдон назарияси асосида ўрганишда муҳим аҳамиятга эга¹.

Газлама дизайн терминларининг семантик майдони ҳақида қуйидаги фикрларни баён қилиш мумкин:

1. Дизайн терминлар семантик майдони очиқлик белгисига эга, чунки замона зайли билан унда янги терминлар пайдо бўлиб, истёъмолга яроқсизлари четга чиқиб туради.
2. Дизайнерлик терминларининг семантик майдони бўлинувчанлик хусусиятига ҳам эга. Улар бир қатор мавзувий ва лексик-семантик гуруҳлардан, гуруҳлар эса ўз ичида лексик-семантик қаторга, лексик-семантик қаторлар эса бир уяга жамланган элементлардан иборат бўлади.
3. Дизайнер терминлар семантик майдони иерархик муносабатда бўлади. Ҳар бир дизайн намунаси юзага чиқиши учун ўзаро шартланган жараёнлар, нарсалар бўлиши шарт.
4. Дизайн терминлари семантик майдонида ҳам уни ташкил қилаётган элементлар орасида бутун-бўлак (холо-меронимик) ва жинс-тур (гипер-гипонимик) муносабатлар мавжуд бўлади, лекин бу муносабатлар нисбийдир. Чунки бутун ичига кирган бўлак (мероним) бошқа элементларга нисбатан бутун (холоним ёки партоним) бўлиб қолади². Масалан, атлас газламасини бутун деб олсак, унинг қисмлари: ипак ип, арқов ип, ранглар бошқа элементлар системасида холонимга айланади.
5. Дизайнерлик терминлари семантик майдонининг энг муҳим жиҳатларидан бири аниқ субстанционалликдир, яъни бундай терминлар семантик майдони ҳам ўзида нарса ва ҳодисалар, воқеалар, шахслар, уларга хос бўлган белги-хусусиятлари бевосита кузатишда сўзлар орқали реаллашади. Бу орқали эса диалектиканинг

¹ Бегматов Э., Неъматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. № 6. –Б.35-40.

² Қиличев Б. Ўзбек тилида партонимия: филол. фан. номзоди ... дис. автореферати. –Тошкент, 1997. –Б. 7-17.

умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик категориялари ўз аксини топади.

Дизайн мавзувий гуруҳларидан бири газламалар дизайни бўлиб, у ўз ичида яна бир қанча мавзувий гуруҳларга бўланади. Миллий газламалар мавзувий гуруҳини бир-бири билан боғлиқ бўлган тўрт категорияга ажратиш мумкин, булар: объект, субъект, функция, восита. Бошқача қилиб айтганда, миллий газлама мавзувий гуруҳи объекти газлама, бу объектга қаровчи субъект шахс, объект ва субъект орасидаги муносабат жараён, жараённи юзага келтирувчи восита нарсаси-қурол бўлиб, биз уларни қуйидаги мавзувий гуруҳларга бўлиб олдик:

1. Объект — миллий газлама номлари: *абришим*¹, *атлас*, *банорас*, *кимхоб*, *алак*, *чит*, *бўз*, *алача*, *алвон* каби.
2. Субъект — жараён бошқарувчиси шахс номлари: *бўзчи*, *гулабардор*², *адрасбоф*, *кудунгар*, *читфуруш*, *шойифуруш* *тўқувчи*, *адрасбоф* (*адрас тўқувчи уста*), *бўёқчи* (*ранг берувчи*), *арқовловчи*, *калавачи*, *касана* (*ёлланган ҳунарманд*) каби.
3. Функция — жараён номлари: *ироқи*³, *саккиз тепки*, *тўрт тепки*, *тайёрлаш*, *тўқиш*, *зич тўқиш*, *аралаш тўқиш*, *бўяш*, *ивитиш*, *қуритиш*, *тозалаш*, *оҳорлаш* каби.
4. Восита — нарсаси-қурол номлари: *анжом*, *асбоб*, *гула*, *дастгоҳ*, *кудунг*⁴, *урчуқ*, *галтак*, *арқоқ* каби.

Масалан, субъект категориясига миллий газламалар мавзувий гуруҳининг миллий газлама тайёрлаш билан алоқаси бўлган шахс номлари киради. Демак, бу мавзувий гуруҳга кирувчи терминларнинг интеграл белгиси шахс номлари эканлигидир. Ушбу шахс номлари қайси жиҳатдандир миллий газлама мавзувий гуруҳига алоқадор бўлади. Ана шу алоқадорлик жиҳатидан бу мавзувий гуруҳ бир қанча лексик-семантик гуруҳларга ажаралади. Жумладан,

- 1) тайёр маҳсулотни сотиш билан алоқадор бўлган шахс номлари: *читфуруш*, *шойифуруш*, *дўкандор*, *газламафуруш*, *сотувчи*, *ипакфуруш* каби;
- 2) газламани тайёрлаш билан алоқадор бўлган шахс номлари: *бўзчи*, *адрасбоф* (*адрас тўқувчи уста*), *зардўз*, *чокчи*, *шогирд*, *гулабардор*⁵, *бўёқчи* (*ранг берувчи*), *арқовловчи*, *кудунгар*⁶, *калавачи*, *касана* (*ёлланган ҳунарманд*), *Рангрез* (*қисқартири рариз*) *бўёқчи* каби;

¹ Абришим – ипак газлама, шойи. Алиева М. Дизайнерлик атамаларининг ўзбекча-русча-инглизча луғати. – Андижон, 2012. –Б.4

² Гулабардор –гула кўчирувчи, нусха олувчи шахс. Алиева М. Дизайнерлик атамаларининг ўзбекча-русча-инглизча луғати. –Андижон, 2012. –Б.23

³ Ироқи –ип ёки ипакларни кесиштириб, крест шаклида гул тикиш усули. Алиева М. Дизайнерлик атамаларининг ўзбекча-русча-инглизча луғати. –Андижон, 2012. –Б.36

⁴ Кудунг- тўқилган матони уриб текислаш, силликлаш ва унга жило бериш учун ишлатиладиган тўқмоқсимон ёғоч асбоб. Алиева М. Дизайнерлик атамаларининг ўзбекча-русча-инглизча луғати. – Андижон, 2012. –Б.44

⁵ Гулабардор –гула кўчирувчи, нусха олувчи шахс. Алиева М. Дизайнерлик атамаларининг ўзбекча-русча-инглизча луғати. –Андижон, 2012. –Б.23

⁶ Кудунгар –тўқилган матони уриб текислайдиган шахс, кудунг –тўқмоқсимон ёғоч асбоб. Алиева М. Дизайнерлик атамаларининг ўзбекча-русча-инглизча луғати. –Андижон, 2012. –Б.44

- 3) газламани сақловчи шахс номлари: *омборчи, ағичи* (*ағи* ипак газлама номидан шахс оти ясалган), *дўкандор* каби.

Лексик-семантик гуруҳларга маълум бир лексик-семантик гуруҳларга кирадиган газлама номлари киради. Масалан, *атлас* номларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Персонал лексик-семантик гуруҳи. Масалан, *Лайли, Гули, Ширин, Дилором, Маҳлиқо* каби.

2. Темпорал лексик-семантик гуруҳи. Масалан, *Намозишом атлас, Ҳамиша баҳор, Боғу бўстон, Райҳон, Гулнамозишом* каби.

3. Локал лексик-семантик гуруҳи. Масалан: *Марғилон хонатласи, Самарқанд оқшоми, Марғилон машъали, Фарғона йўллари*.

4. Колор лексик-семантик гуруҳи. Масалан, *қизил атлас, кўк атлас, қора атлас, сариқ атлас* каби.

5. Фигурал лексик-семантик гуруҳи. Жумладан, "патниснусха" (патнис нусхаси), "оттуёк" (отнинг туёғи), "баргикарам" (карамнинг барглари).

Бу гуруҳларга мансуб лексемаларни система сифатида ўрганиш ўзбек тилшунослигида фақат назарий аҳамиятгагина эга бўлмасдан, балки ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузишда катта ҳам илмий, ҳам амалий қимматга эгадир.

Термин майдоннинг семантик хусусиятларидан бири окказионал терминларнинг мавжудлигидир. Бундай терминлар вақтинчалик терминлар бўлиб, улар муайян дарвга боғлиқ равишда ҳосил қилинади. Масалан, газлама номларида *шералининг қулоғи* (нақши кулоққа ўхшаш ялтироқ материал), *ҳожибойнинг мўйлови* (нақши икки томонга шохлаган), *миллионерка* (ялтироқ тангалар билан қопланган газлама), *ниҳол атласи* (эски номи сариқ атлас) каби. Бундай номлар қўйилиши реклама учун хизмат қилади ва муайян вақтда фаоллигини йўқотади. Шу сабабдан буларни тил ҳодисасига киритиб бўлмайди.

Демак, газлама дизайнерлиги терминлари ичида муайян вазият билан боғлиқ бўлган окказионал терминлар ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Учинчи боб **“Ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминлариаро муносабат турлари”** деб номланиб, унда лексемаларда муносабат турларининг намоён бўлиши, ўхшашлик (парадигматик) муносабат, жинс-тур (гипер-гипонимик) муносабат, бутун-бўлак (партонимик, холомеронимик) муносабат, синтагматик муносабат каби масалалар ёритилган.

Ўхшашлик муносабатида сўзлар бирор ўхшаш белги асосида бир парадигмага бирлаштирилса, уядошлик муносабатида сўзлар умумий сема асосида бир парадигмага йиғилади. Бундан келиб чиқадики, парадигмаларни белгилашда икки аспект мавжуд экан. Биринчиси ўхшаш белгиларига асосланса, иккинчиси маъно белгиларига таянади. Кўринадики, парадигматик муносабат умумийлик белгисига эга бўлса, уядошлик унга нисбатан хусусийлик белгисига эга. Бундан келиб чиқадики, уядошлик муносабати парадигматик муносабатнинг бир тури сифатида унинг туркибига киради. Улар ўз ичида яна майда парадигмаларга бўлиниб кетади.

Демак, парадигматик муносабат бирор белги асосида юзага чиқади. Миллий газлама номлари дизайнерлик терминлари қуйидаги парадигмаларга бўлинади:

- Формал парадигма (шакл белгисига кўра, ўхшашлик муносабати)
- Семал парадигма (маъно белгисига кўра, уядошлик муносабати)
- Функционал парадигма (вазифа бажаришига кўра, вазифадошлик муносабати)
- Структурал парадигма (қурилиш белгисига кўра, структурал муносабат).

Формал парадигмада шакл белгиси асосида ўхшашлик муносабати юзага келади. Умумий сема асосида йиғилган парадигма семал парадигмани ташкил қилиб, унда уядошлик муносабати шаклланади. Вазифа бажаришига кўра бир хил белгига эга бўлган терминлар функционал парадигмани ҳосил қилади ва унда вазифадошлик муносабати намоён бўлади. Дизайнерлик терминлари қурилиш белгисига кўра структурал парадигмага бирлашади ва улар структурал муносабатда бўлади.

Масалан, *алача, мовут, тивит, шол, мата, хоса, бўз, қалами, жанда, астарчит, суси* каби сўзларни битта уяга бирлаштирувчи умумий маъно газлама семаси бўлса, улар ичидан *мата, хоса, бўз, қалами, жанда, сурп, астарчит, алача, суси* каби лексемалар *пахта ипидан тўқилган газлама* умумий маъноси остида бирлашса, *мовут, тивит, шол* каби лексемалар *жундан тўқилган газлама* умумий маъноси остида бирлашади.

Ўхшашлик (парадигматик) муносабатда бир бутуннинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўхшашлик белгилари тушунилади. Ўхшашлик белгиларини юқорида айтиб ўтганимиздек, 3 турга бўлиб оламиз:

1. Семантик ўхшашлик (маъно жиҳатдан яқин бўлган лексемалар)
2. Формал ўхшашлик (тузилиш жиҳатдан ўхшаш бўлган лексемалар)
3. Функционал ўхшашлик (вазифа бажаришига кўра ўхшашлик)

Семантик ўхшашлик муносабатидаги лексемалар ўзларининг маъно жиҳатдан яқинлиги асосида бир бутунга бирлашади, умумий семага таянади. Бошқача айтганда, бу ўхшашлик муносабати маънодошлик (синонимия)ни юзага келтиради. Масалан, *дазмолламоқ, кудунгламоқ, текисламоқ*. Бу лексемалар ўзаро синоним бўлса ҳам, ишлатилиш вазифасига нисбатан бир хил эмас. Биз ўрганаётган ўзбек миллий газламалар мавзувий гуруҳига *кудунгламоқ, текисламоқ* лексемалари хос бўлиб, *дазмолламоқ* лексемаси бу мавзувий гуруҳга кирмайди. Чунки *дазмолламоқ* деганда, биз бирор нарсани дазмол ёрдамида текислашни тушунамиз, кўпроқ бирор кийим дазмолланади. Газлама лексемасига дазмолламоқ сўзи мантиқан тўғри келмайди, газлама тикувчининг қўлига ўтгандан кейингина дазмолланади, яъни бошқа жараёнга ўтади. Солиштиринг: *газлама кудунгланди (текисланди), газлама дазмолланди. Текисламоқ* феъли бирор нарсани текислаш жараёнини билдириб, умумийлик семасига эга. Нимани текислаш, қандай қилиб текислаш, нима воситасида текислаш жараёнлари хусусий семага эга.

Формал жиҳатдан ўхшашлик. Миллий газламалар мавзувий гуруҳига кирувчи лексемаларнинг формал жиҳатдан ўхшашлик муносабати ҳақида

гапирганимизда, лексемаларнинг тузилиш жиҳатидан ўхшашлигига эътиборни қаратамиз.

Миллий газламалар мавзувий гуруҳига кирувчи лексемалар тузилишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Содда лексемалар.

2. Мураккаб лексемалар.

Содда лексемалар ўз ичида иккига бўлинади: а) содда туб ва б) содда ясама. Содда туб лексемалар: *атлас, адрас, бўз, сурп* каби. Содда ясама лексемаларнинг қуйидагича қурилиш қолипларини келтиришимиз мумкин:

1. Л+-чи: *бўзчи, пайвандчи, бўёқчи (ранг берувчи), арқовловчи, калавачи, чокчи* каби.

2. Л+-фуруш: *читфуруш, шойифуруш, газламафуруш, ипакфуруш* каби.

3. Л+-гар: *кудунгар* (матони кудунг ёрдамида текисловчи уста), *читгар* (чит ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган шахс) каби.

Содда ясама лексемаларнинг бу қолипларини умумлаштириб қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

ЛМ+ГМ (ЛМ-лексик морфема, ГМ-грамматик морфема).

Составли лексемаларнинг қуйидаги қолипларини кўрсатишимиз мумкин:

1. Равиш (феъл)+феъл бирикувидаги: *зич тўқиш, аралаш тўқиш*.

2. Сифат+от бирикувидаги: *қизил атлас, қора атлас, сариқ атлас*.

3. От+от бирикувидаги: *шахмат атлас, кубба атлас, яхудий атлас, хон атлас*.

4. Сон+от: *саккиз тепки, тўрт тепки, икки тепки*.

5. Атоқли от+от: *Самарқанд оқишми, Фарғона йўллари* каби.

Функционал жиҳатдан ўхшашлик муносабатидаги лексемалар бирор вазифасини бажаришига кўра ўхшашлик белгисига, асосан, бир гуруҳга бирлашади. Бу ҳолда бирор вазифани бажариши умумий белгиси бўлса-да, қандай вазифани бажариши билан ўзаро фарқланади. Масалан, *тайёрламоқ* жараёнини ифодаловчи лексеманинг маъноси бирор жараённи билдиради. Масалан, *тозалаш, оҳорлаш, бўяш, савалаш, калавалаш* каби.

Жинс-тур (гипер-гипонимик) муносабатлари диалектик муносабатлар ичида ўзига хос ўрин тутади. Жинс муайян бирликларни ўз ичига олади ва ана шу бирликлар тур деб аталади. Тил объектив борлиқдаги жинс-тур муносабатини ифодалашда ўзининг одатдаги икки имкониятидан фойдаланади:

а) жинс белгисининг номини ифодаловчи сўзнинг эксплицит тарзда бирикуви асосида ҳосил бўлган сўз бирикмаси ёрдамида тур тушунчасининг номини ифодалайди: *сариқ атлас, қора атлас* каби;

б) жинс белгисининг номини ифодаловчи сўз эксплицит тарзда бирикувсиз, алоҳида луғавий бирликлар орқали тур белгисининг номини ифодалайди: *атлас, банорас, адрас, беқасам* каби.

Миллий газлама номларига оид лексемаларни жинс-тур муносабатига кўра қуйидаги мазмуний гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Газлама номлари гуруҳи: *олача, атлас, банорас, адрас* каби.
2. Бўёқ номлари гуруҳи: *индиго, ёнгоқ, рўян, зирк, зарчўба, кошинил* каби.
3. Шахс номлари гуруҳи: *газламафуруш, рангрес, адрасбоф, читчи, калавачи* каби.
4. Жараён номлари гуруҳи: *тўқимоқ, бўямоқ, ранг босмоқ, нақш бермоқ, кудунгламоқ* каби.
5. Нарса-қурол номлари гуруҳи: *мис қозон, ховонча, тарози, хум, дастгоҳ, галтак* каби.

Бутун-бўлак (партонимик, холо-меронимик) муносабатининг гипер-гипонимиядан фарқи шундаки, гипонимияда майдоннинг бир узви (аъзоси) бошқаларга нисбатан қарама-қарши қўйилиб, улар ўртасидаги маъно муносабатлари аниқланса, партонимияда алоҳида олинган узв (аъзо)нинг уни ташкил қилаётган ички аъзолари билан муносабати масаласи ўртага ташланади. Миллий газлама номлари мавзувий гуруҳида эса *газлама* бутун ном сифатида *юз, арқов, ипак, ип* каби бўлак номларини талаб қилади. Ёки атлас, адрас тўқувчи дастгоҳни бутун деб олсак, унинг бўлаклари қуйидагилар бўлади: *дўкон* (дастгоҳнинг номи), *тепки, тепки банд, кунтахта* (тўқувчи ўтирадиган курси), *гула, жовза* (ипларнинг орасини очиш учун ишлатиладиган ёғоч), *зевар* (иплар), *мокидон* (танда), *довон* (тош қўйиладиган жой), *шада* (матоларни бир биридан ажратиш), *новвот, чилик, басир* (бойлам ип), *найча*. Бу бўлаklar бир бутун бўлгандагина дастгоҳ тўла бўлади, уларнинг бирортаси бўлмаса, матони тўқиб бўлмайди.

Синтагматик муносабат, бу қатор жойлашган бирликлар муносабатидир. Синтагматик муносабатдаги миллий газлама номлари лексемаларнинг кетма-кетлиги маъно жиҳатдан бир-бирини тақозо қилади. Хоҳлаган икки лексемани кетма-кет боғлай олмаймиз. Масалан, *кудунгламоқ* лексемасини *ипга* ёки *галтак* лексемасини *охорга* боғлай олмаймиз. Улар ўртасидаги зиддият яққол кўриниб турибди. Мана шу қарама-қаршилиқ улар билан боғлиқ мазмун тўдаларини ташкил этишдаги синтагматик муносабатлар доирасида ҳам давом этади. Масалан, *рангрес* лексемаси *бўёқ, рўян, индиго, охорлаш* каби лексик бирликлар билан синтагматик алоқага киришиб, ўзига хос мазмун гуруҳини ташкил қилса, *адрасбоф* лексемаси атрофига *кудунглаш, текислаш, бўяш* каби лексик бирликлар жамланади. *Ипакфуруш* сўзини *кудунглаш* сўзига бириктириб бўлмагани сингари *бўёқчи* сўзини *дастгоҳ* сўзига боғлаб бўлмайди. Синтактик бирликлар ўртасидаги мазмуний синтагматик муносабатни ҳам қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) субъект ва предикат муносабати (предикатив).
- 2) белги ва предмет ўртасидаги муносабат (атрибутив);
- 3) белги билан ҳаракат ўртасидаги муносабат (релятив);
- 4) объект ва ҳаракат ўртасидаги муносабат (объектли).

Субъектли муносабат борлиқдаги маълум позицияни акс эттиради ва тилнинг икки хил бирлиги орқали ифодаланади: а) гап орқали (эга - кесим алоқаси); б) сўз бирикмаси (қаратувчи қаралмиш алоқаси) орқали.¹

Демак, субъектли муносабатни иккига бўлишимиз мумкин:

1.Предикатив муносабат.

2.Мувофиқлашув муносабати.²

Миллий газлама номлари мавзувий гуруҳига кирган бирикмали номларнинг қаратувчи қаралмиш алоқаси орқали боғланган турларининг ўзига хос хусусияти мавжудки, уларда доим қаратқич келишиги белгисиз ҳолатда бўлади. Аммо эгалик қўшимчаси ўз ўрнида қўлланади. Қаратқич келишигининг белгисиз келиши уларнинг эркин сўз бирикмаси эмас, балки маълум маънода қотиб қолган, бир предметни аташга мослашаётганлигидан бўлса керак. Шунинг учун бу номларнинг ҳар иккала компоненти ажралмаган ҳолатдагина маълум бир газламанинг турини билдиради. Агар компонентлар ажратилса, унда бирор аниқ газлама тури эмас, балки газлама жинсини билдиради. Масалан, *сарик атлас* номи атлас матосининг бир турини билдирса, *атлас* сўзининг ўзи матонинг бир турини билдиради, холос. Демак, *атлас* умумийлик оттенкасига, *сарик атлас* эса хусусийлик оттенкасига эга экан.

Миллий газлама номларига оид лексемаларни синтагматик муносабатда ўрганганимизда фақат синтактик алоқага таяниб қолмай, балки семантик жиҳатдан мослигига ҳам эътибор берамиз. Бунинг натижасида эса бир умумий семага боғлиқ бўлган сўзлар тизмаси пайдо бўладики, улар бир тушунча майдонини ташкил қилади. Бу тушунча майдонига хоҳлаган сўзни кирита олмаймиз. Атлас номларини синтагматик муносабатда олганимизда, куйидаги маъновий майдон ҳосил бўлади:

1. Газлама номлари: *баргикарам, яҳудий, саккиз тепки*, каби. Масалан: *бир кийимлик саккиз тепки, баргикарам нақши, газламани йиртмоқ, атласни илтинтирмоқ*.

2. Шахс номлари: *тўқувчи, бўёқчи, рангрес, кудунгловчи, арқовловчи* каби. Масалан: *Уста тўқиди, рангрес бўяди*.

3. Жараён номлари: *бўйиш, тўқиш, текислаш, қурутиш, охорлаш* каби. Масалан: *газламалар қуриди, адрас текисланди, мато охорланди*.

4. Нарса-қурол номлари: *хавонча, мис қозон, дастгоҳ, кудунг* каби. Масалан, *газлама кудунг билан текисланади, адрас дастгоҳда тўқилади*.

Кўринадикки, жараён номлари асосий муносабат турларини белгиловчи омил вазифасида келар экан. Масалан, *тўқувчи тўқиди* (шахс номи билан), *адрас қуриди* (газлама номи билан), *кудунгда текисланди* (нарс-қурол номи билан). Шахс номлари, нарс-қурол номлари ва газлама номлари бевосита жараён номларига боғланади.

Демак, миллий газлама номларига оид лексемаларнинг синтагматик муносабатда ўрганганимизда улар орасида атрибутив, релятив,

¹Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. –Т.:Фан,1984 –Б.20

² Қаранг: Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўша асар. Ўша бет.

мувофиқлашувчи муносабат турлари мавжуд бўлиб, улар орасидаги муносабатда эса асосий омил воситасини жараён номлари бажарар экан.

ХУЛОСА

1. Терминологик майдон илмий терминологиянинг умумий системасида алоҳида ўрин тутди, унда тилшуносликка оид бўлган барча терминлар вазилавий-семантик жиҳатдан бирлашади. Термин маълум фан, техника ёки касбга хос тушунчаларни ифодалаш учун махсуслаштирилган, фойдаланиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмасидир.

2. Муайян тушунчани ифодалаган сўз махсуслаштирилгандан кейин истилох, сўнгра атама, ундан кейин термин даражасига кўтарилади. Буни қуйидагича кўрсатишимиз мумкин:

Сўз → истолох → атама → термин.

3. Структур-морфологик жиҳатдан терминологик майдоннинг асосий шакли содда терминлар бўлиб, улар майдон марказида жойлашади. Чегара қисмига жойлашган бирикмали терминлар майдон марказидаги содда терминлардан кўп хусусиятлилиги билан фарқланади.

4. Терминологик майдондаги ўзлашган терминларнинг ўз нутқимизга мослашиши натижасида талаффузда ўзгариши фонетик ва лексик трансформацияни юзага келтиради.

5. Термин майдонининг асосий семантик хусусиятлари жинс-тур муносабати орқали намоён бўлади ва бу муносабат термин майдонларнинг асосини ташкил қилади. Термин майдонида вақтинчалик окказионал терминлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

6. Терминологик майдонда валентлик хусусияти бир ўзакдан ҳосил бўлган ўзакдош сўзларнинг сонига, лексемаларни жуфтлаш орқали уларнинг маъносини умумийлаштириш имкониятларига, бир хил грамматик кўрсаткичларнинг валентликларига ва атрибутив бирикмалардаги сифатларни қўшиб олиш имкониятига қараб белгиланади.

7. Миллий газламаларнинг социологик хусусиятларини қуйидагича белгилашимиз мумкин: а) табақавий ва касбий хосланиш; б) ёшга доир хосланиш; в) жинсий хосланиш; г) ҳудудий фарқланиш.

8. Систем лексикологияда газлама дизайнерлиги терминлари ҳам алоҳида семантик майдон сифатида ўрганилиши мумкин. Бу семантик майдон: а) очиқлик белгисига эга, чунки замона зайли билан унда янги терминлар пайдо бўлиб, истеъмолга яроқсизлари четга чиқиб туради; б) бўлинувчилик хусусиятига эга; в) иерархик муносабатда бўлади; г) бутун-бўлак ва жинс-тур муносабатлари мавжуд бўлади; д) субстанционаликка эга, яъни дизайн терминлар семантик майдони ҳам ўзида нарса ва ҳодисалар, воқеалар, шахслар, уларга хос бўлган белги-хусусиятлар бевосита кузатишда сўзлар орқали реаллашади. .

9. Миллий газлама номлари мавзувий гуруҳини бир-бири билан боғлиқ бўлган тўрт категорияга ажратиш мумкин: а) объект — миллий газлама номлари; б) субъект — жараёни бошқарувчи шахс номлари; в) функция — жараён номлари; г) восита — нарса-қурол номлари.

10. Миллий газлама дизайнерлиги терминлари орасида парадигматик ҳамда синтагматик муносабатлар белгиланади. Парадигматик муносабат бирор белгига нисбатан белгиланади ва қайси белгига асосланишига кўра қуйидаги турларга бўлинади: 1) формал парадигма (шакл белгисига кўра, ўхшашлик муносабати); 2) семал парадигма (маъно белгисига кўра, уядошлик муносабати); 3) функционал парадигма (вазифа бажаришига кўра, вазифадошлик муносабати); 4) структурал парадигма (қурилиш белгисига кўра, структурал муносабат).

11. Миллий газлама дизайнерлигига оид терминлар синтагматик муносабатларнинг қуйидаги турлари кузатилади: а) субъект ва предикат муносабати (предикатив); б) белги ва предмет муносабати (атрибутив); в) белги билан ҳаракат муносабати (релятив); г) объект ва ҳаракат ўртасидаги муносабат (объектли).

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ

LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Алиева.М. Дизайнерлик терминларининг мавзуй гуруҳлари // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 2014-№5. Б.80-84.(10.00.00 №14)
2. Алиева.М. Миллий газлама номларининг лексик семантик гуруҳлари // Til va adabiyot ta'limi. –Toshkent, 2015. №5. – Б.37. (10.00.00 №9)
3. Алиева.М. Дизайнерлик терминларида семантик майдон // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент,2017-№1. Б.106-109.(10.00.00 №14)
4. Алиева.М. Миллий газлама дизайнерлик терминларида парадигматик муносабат // Илмий хабарнома/ Научный вестник. –Андижон,2018.- №1. Б.82-85 (10.00.00 №11)
5. Алиева.М. Ўзбек миллий газлама дизайнерлиги термин майдонида валентлик масаласи// Ўзму хабарлари.-Тошкент,2018.-№1/1. Б.261-263. (10.00.00№15)
6. Алиева.М Ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминлариаро муносабат турлари// Илм сарчашмалари.-Урганч, 2018.-№3 Б.32-37.(10.00.00 №3)
7. Алиева.М. On the history of the Uzbek national design of textile materials// Anglisticum-International journal of literature,linguistics.Kosova,(Macedonia). 2018.-Volume-7,Issue-1.P.51-55.(№5 Global Impact Factor –1,006;№12 Index Copernicus impact factor 6,88;№23 SJIF 3.608)
- 8.Алиева.М. Использование заимствованных слов в терминов дизайнера // XXVI международная научно-практическая конференция. Украина, Горловка- 2012 .стр,73-75.
9. Алиева.М. Semantics of the uzbek national textile names// Theoretical and applied science. (Materials of the International Scientific Practical Conference)2013, №6, Hamburg, Germany,-p.143-146
- 10.Алиева.М. Формал жиҳатдан ўхшашлик муносабатидаги ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминлари// Филологиянинг долзарб муаммолари (Республика илмий амалий анжумани материаллари) Андижон давлат университети 2018,- Б.44-45
11. Алиева.М. Термин майдоннинг структур морфологик хусусиятлари// Андижон давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси „Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари ҳамда таълим тизимида тил компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари (регионал илмий семинар материаллари)”) 2015. Андижон . Б.78-81.

II бўлим (II часть; II part)

- 12.Алиева.М Realization of genetic and specific relations among the terms of uzbek national materials of textile// International Scientific Journal Theoretical &

Applied Science. Philadelphiya, USA. 2018. –№2(58) – P. 205-208 (№5 Global Impact Factor – 0.564.)

13. Алиева.М. Миллий матолар жилоси// Аёл ва замон Тошкент давлат шарқшунослик институти (мақолалар тўплами) 2018.Б. 25-28

14. Алиева.М. Аёллар либослари учун миллий газлама лексемаларига доир// Аёл ва замон Тошкент давлат шарқшунослик институти (мақолалар тўплами) 2018,-Б. 28-31

15. Алиева.М. Термин майдоннинг трансформацион хусусиятлари// Филологиянинг долзарб муаммолари (Республика илмий амалий анжумани материаллари) Андижон давлат университети 2018,- Б.43

16. Алиева.М. М.Кошғарийнинг „Девону луғатит турк” асарида ипак газлама номлари// Филологиянинг долзарб муаммолари (Республика илмий амалий анжумани материаллари) Андижон давлат университети 2018,- Б.44

17.Алиева.М. Миллий газлама дизайнерлиги терминларида синтагматик муносабат//(Иқтидор-7,Илмий,публицистик,бадий альманах) Тошкент:Фан.2018. 61-65

18.Алиева.М Дизайнерлик атамаларининг ўзбекча-русча-инглизча луғати// Андижон. 2012. 92 б

19.Мирзаева.С, Эшанова.З, Темирова.М, Алиева.М “ Муродхон достонининг бадиияти” Мультимедиаи электрон кўлланма (ўзбек, рус, қирғиз, инглиз тилларида) Андижон. 2017 №DGU 04582